

Имомлари иттифок қылган ҳадислар / Олти саҳиҳ имомлари иттифок қылган ҳадислар / 19-ҳадис

19 - عَنْ أَبِي هُرَيْرَةَ، عَنِ النَّبِيِّ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ قَالَ: «الْفِطْرَةُ حَمْسٌ أَوْ حَمْسٌ مِّنَ الْفِطْرَةِ: الْحَتَّانُ، وَالْإِسْتِحْدَادُ، وَتَقْلِيمُ الْأَظْفَارِ، وَتَثْفُطُ الْإِبْطِ، وَقَصُّ الشَّارِبِ».

[292، ت 2756، س 9، د 4198، جه 5889] خ

Абу Хурайра розияллоху анхудан ривоят қилинади:

«Набий соллаллоху алайҳи васаллам шундай дедилар: **«Фитрат беш нарсададир [ёки беш нарса фитратдандир]: хатна қилиш, қириниш, тирноқларни олиш, құлтиқ тукларини юлиш, мүйлабни қисқартириш».**

Ином Бухорий, Муслим, Термизий, Насаий, Абу Довуд ва Ибн Можса ривоят қилишган.

Шарҳ: Абу Хурайрадан ривоят қилинаётган бу ҳадиси шарифда Пайғамбаримиз соллаллоху алайҳи васаллам ҳар бир инсон учун ўта муҳим бўлган шахсий озодалик ишларига тарғиб қилмоқдалар.

Энди мана шу ҳадис аввалида зикр қилинган «фитрат» сўзининг асл маъносига эътибор қилайлик.

«Фитрат» бизнинг тилимизда «соф табиат» маъносини англатади. Уламоларимиз таърифида эса:

«Анбиё ва Расуллар, мўминлар қадимдан амал қилиб келаётган, худди яратилишларига қўшиб қўйилганга ўхшаб кетган амалларга «фитрат» деб айтилади».

Оиша розияллоху анҳодан қилинган ривоятда Набий соллаллоху алайҳи васаллам қуйидагича айтганлар:

«Үн нарса фитратдандир: мўйлабни қайчилаш, соқолни ўстириш, мисвок, бурунга сув олиб тозалаш, тирноқларни қисқартиш,

баданнинг букиладиган жойларини яхшилаб ювиш, қўлтиқни юлиш, қовуқни қириш, сув ила истинжо қилиш, Мисъаб: «Ўнинчисини унудим, менимча, оғизни сув билан тозалаш бўлса керак» деди».

Бешовлари ривоят қилишган.

Аллоҳга ададсиз шукрлар бўлсинким, шариатимида соғлигимиз, гўзаллигимиз, саришталигимиз учун зарур бўлган ишларни савоб ҳам оладиган ишимизга айлантириб қўйибди.

Манба: hadis.islom.uz

